



ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Аманов Абдоржон Абдуллаевич

юридик фанлар бўйича фалсафа

доктори (PhD), доцент

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10036274>

ARTICLE INFO

Received: 15th Oktober 2023

Accepted: 23th Oktober 2023

Online: 24th Oktober 2023

KEY WORDS

Хуқуқбузарликларни олдини олиш, ички ишлар органлари, хуқуқбузарликлар профиликтикаси хизматлари, фуқаролик жамияти институтлари, ҳамкорлик, ҳамкорликни ташкил этиш.

ABSTRACT

Мақолада хуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профиликтикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш хусусида фикр юритилиб, мазкур ҳамкорликни янада самарали ташкил қилишга оид таклиф ҳамда тавсиялар билдирилган.

Хуқуқбузарликларни олдини олишда ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профиликтикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этишда аввало, ушбу йўналишдаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади ҳамда ўтказилган таҳлиллар асосида ушбу йўналишдаги мавжуд муаммоларни таснифлаш, уларни ҳал қилиш йўллари аниқлаш ва тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича муҳим ислохотлар амалга оширилаётган бугунги кунда хуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профиликтикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий ҳамкорлигини кенг ва жиддий тарзда ривожлантириш ҳамда ушбу ҳамкорликнинг самарали шакларини юртимиз ижтимоий ҳаётига жорий этиш замон талабидир.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида асосий йўналишларидан бирини ҳам давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш ва мазкур ҳамкорликни такомиллаштириш ташкил этмоқда. Хусусан, ушбу ҳолатга Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан ҳам ўз вақтида эътибор қаратилди ва қуйидаги фикрлар баён этилди: «Ҳозирги кунда юртимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат ноижорат ташкилоти мавжуд, 29 та халқаро ва хорижий ноҳукумат



ташкilotларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда. 2017 йилда «Нуроний» жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши каби нодавлат нотижорат ташкilotлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди. Аммо ана шундай муҳим саъй-ҳаракатларга қарамасдан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкilotларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти. Улар фақат номига йиғилишлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда»¹.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»²ги Фармони ўз моҳиятига кўра, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини мазмунан янги босқичга кўтариш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлди. Чунки, унда давлат томонидан фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини янада кучайтиришнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди ҳамда давлат ва нодавлат ташкilotлар ҳамкорлигига оид еттита йўналишдаги муаммолар алоҳида-алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Шу ўринда айтиш ўринлики, бугунги кунда дунё миқёсида вазият тез ўзгариб, дунёнинг айрим минтақаларида ахвол тобора кескин тус олаётгани, турли қарама-қаршиликлар, можаро ва қон тўкишлар кучайиб, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи ортиб бораётгани, яқин ён-атрофимизда давом этаётган харбий тўқнашувлар чуқур ташвиш ва хавотир туйғусини уйғотиши билан бирга, ана шундай мураккаб ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият юқори даражадаги огоҳликни сақлаш ва доимий тайёргарлик ҳолатида бўлишни талаб этади³. Мазкур муҳим омил, биз яшаётган бугунги замон ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслиги, мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолиятини ҳамда уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган тизимли ишларни изчил давом эттириш ва янада самарадорлигини оширишни тақозо этади. Бошқача айтганда, бугунги давр ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда мазкур субъектлар ҳамкорлигини ташкил этишда учраётган муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этишни ҳамда ҳамкорликни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – 2017. –22 декабрь // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти – www.president.uz.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5430-сон Фармони // «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси»нинг веб-сайти – www.lex.uz.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан химоячиларига байрам табриги // Халқ сўзи. - 2016. - 14 янв.



Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятини амалга оширишда энг катта масъулият ички ишлар органларига юклатилган. Ўз ўрнида ички ишлар органлари тизимида мазкур масъулиятли вазифани бажариш Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати зиммасидадир. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ҳамоҳанг равишда Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати таркибида ва Ўзбекистон Республикаси «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар тизимида уларнинг мазкур йўналишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда, штатлар сонини мувофиқлаштириб «Фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик хизмати»ни бўлим ёки бўлинмалар кўринишида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур йўналишда хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, масалан, Франция Ички ишлар вазирлигида нодавлат сектори билан ишлайдиган алоҳида бўлим мавжуд. У ҳуқуқбузарликлар сони ортган ҳудудларга махсус фуқаролик жамияти институтларини ва кўнгиллиларни юбориб, у ерларда махсус тўғараклар, тренинглар ташкил этади. Ёшларни шу тариқа жалб этиб, бўш вақтини мазмунли ўтказишга йўналтиради. Бундай долзарб масаларни ҳал этиш учун вазирлик томонидан махсус маблағлар ҳам ажратилади⁴.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш Адлия вазирлигига юклатилган. Айтиш мумкинки, ушбу вазирлик фуқаролик жамияти институтлари билан кенгроқ алоқани амалга оширади. Кўплаб вазирликлар шу жумладан, ички ишлар вазирлиги ҳам ўз йўналишида фаолият олиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари билан қониқарли даражада самарали ҳамкорликни амалга оширолмақда деб айтаолмаймиз. Ушбу ҳамкорликнинг институционал асослари ва ҳуқуқий механизмлари ҳали керакли шаклда шаклланмаган деб қайд этишимиз мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг расмий веб сайти орқали эълон қилинган сўровда иштирок этган 200 га яқин фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг 26 фоизи ўзаро секторларнинг алоқаси сустлигини асосий муаммо сифатида кўрсатган⁵.

Шу ўринда қайд этиш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар туфайли ички ишлар органларининг нуфузи ва масъулияти анча ортишига эришилди. Айни вақтда, юртимиз тараққиётининг бугунги босқичида ички ишлар органларининг мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш долзарб масалалардан биридир. Хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз ҳулқ-атвори

⁴ <https://www.google.com>.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг расмий веб сайти www.fundngo.uz.



шаклантириш, юрт ва Ватан тақдирига нисбатан даҳлдорлик ҳиссини ошириш, фидойлик туйғусини янада мустаҳкамлашда мазкур субъектлар ҳамкорликда локоматив бўлмоғи лозим.

Лекин, олиб борилган ўрганишлар ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ушбу субъектлар ҳамкорлигини ташкил этишда имкониятлардан барча жойларда ҳам етарли даражада фойдаланилмаётганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, айрим ҳудудларда мазкур ҳамкорликни самарали ташкил этишга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда. Ушбу муаммоларни мазмуни ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратишни лозим топдик:

- ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлашга оид;
- ҳамкорликни бошқариш ва мувофиқлаштиришга оид;
- ҳамкорлик иштирокчиларининг касбий тайёргарлигига оид;
- ҳамкорликни методик таъминлашга оид;
- ҳамкорлик субъекти бўлмиш фуқаролик жамияти институтларини моддий қўллаб-қувватлашга оид.

Мазкур ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлашга оид муаммоларга тўхталадиган бўлсак, юртимизнинг амалдаги қонунчилигида ушбу ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлашга оид бир қанча раҳбарий ва умумназарий қоидалар мавжуд. Лекин, мазкур қоидалар ушбу субъектларнинг ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ҳамкорлигига оид барча жараёнларни тўлиқ қамраб олаолмайди, яъни, уларда ушбу ҳамкорлик тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, вазифа ҳамда функциялари, мазкур жараёнларда иштирок этишнинг ҳуқуқий оқибатлари ва кафолатлари каби муҳим қоидалар ўз аксини топмаган.

Фуқаролик жамияти институтларининг жамият ижтимоий ҳаётида ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш бугунги куннинг долзарб масалалардан бири эканлигини инобатга олиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ушбу субъектлар ҳамкорлигини самарали ташкил этиш ва бу борадаги муаммоларни бартараф қилиш учун қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашувларни амалга оширган ҳолда, *Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишдаги иштироки тўғрисида»*ги қонунини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бу борада ҳорижий давлатлар тажрибасига тўхталадиган бўлсак, масалан, Украинада - 2000 йил 22 июнда «Фуқароларнинг жамоат тартибини ва давлат чегарасини муҳофаза қилишдаги иштироки тўғрисида»⁶, Козоғистон Республикасида - 2004 йил 9 июлда «Фуқароларнинг жамоат тартибини таъминлашдаги иштироки тўғрисида»⁷, Россия Федерациясида - 2014 йил 2 апрелда «Фуқароларнинг жамоат

⁶ Закон Украины № 1835-III (22.06.2000 г.) «Об участии граждан в охране общественного порядка и государственной границы» // [Эл. манба]. – URL: <http://uazakon.ru/zakon/zakon-ob-uchastii-grazdan-v-ohraneporyadka-i-granitsi.html> (мур. вақти: 10.03.2020).

⁷ Закон Республики Казахстан № 590-11 (9.07.2004 г.) «Об участии граждан в обеспечении общественного порядка» // [Эл. манба]. - ҚҚҚ: Шр://опНпе.2акоп.к2/Ооситей/Мос_Ш=1049312 (мур. вақти: 10.03.2020).



тартибини муҳофаза қилишдаги иштироки тўғрисида»⁸, Беларусь Республикасида эса 2003 йил 26 июнда «Хуқуқ тартиботни муҳофаза қилишда фуқароларнинг иштироки тўғрисида»⁹ каби хуқуқбузарликларни олдини олишда ҳамда жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштирокини белгиловчи қонунлар қабул қилинганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Айтишимиз мумкинки, хуқуқбузарликларнинг олдини олишда ушбу субъектлар ҳамкорлигининг самарадорлиги бевосита уни бошқариш ва мувофиқлаштиришга боғлиқ. Олиб борилган ўрганишлар жараёнида мазкур ҳамкорликни самарали ташкил этишга масъул ҳисобланган ходимларнинг кўпчилиги мазкур вазифаларга расмийлик учун, юзаки қараб, ҳамкорликда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларда фаол иштирок этмаётганликлари ҳамда баъзи ҳолларда ушбу ҳамкорликни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш масалаларига эътиборсизлик билан муносабатда бўлиб, ҳамкорлик бўйича амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотлар чуқур таҳлил қилинмасдан, ушбу йўналишдаги муаммолар етарли даражада муҳокама қилинмаётганлигини ҳамда қабул қилинган қарорлар реал ҳолатларга асосан эмас, балки юзаки, фақат ҳисобот учун тайёрланаётганлигини кўрсатмоқда.

Фикримизча, мазкур ҳамкорликни бошқариш ва мувофиқлаштириш масалалари мураккаб ва кенг кўламли жараён эканлигини инобатга олган ҳолда уларнинг фаолиятини хуқуқий тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг алоҳида йўриқномасини ишлаб чиқиш ва мазкур йўриқномада ҳамкорлик фаолиятининг асосий йўналишлари, принциплари ва функциялари билан бир каторда ушбу ҳамкорликни ташкил этиш механизмларини ҳам аниқ белгилаб бериш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ушбу ҳамкорликни бошқариш ва мувофиқлаштиришда ҳар бир ички ишлар органларининг таркибий тузилмаларидаги хуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматларида (марказий, ўрта ва қуйи поғоналарда) мазкур ҳамкорлик натижаси ҳар чоракда раҳбарият ҳузурида муҳокама қилиб борилиши ҳамда йил якунида ўтказиладиган ҳисобот йиғилишларида йил давомида ушбу фаолиятни бошқариш ва мувофиқлаштириш соҳасида йўл қўйилган камчиликлар ва қўлга киритилган ютуқларни муҳокама қилган ҳолда келгуси йил учун тайёрланаётган янги режаларнинг лойиҳасига тегишли таклифлар киритилишини йўлга қўйиш ушбу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, ушбу ҳамкорликни бошқариш ва мувофиқлаштиришда маъмурий ҳудудларнинг жўғрофий жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий ва демографик хусусиятлари, криминоген ва тезкор вазиятидан келиб чиққан ҳолда дифференциал ёндашувни таъминлайдиган намунавий моделларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, мазкур ҳамкорликни бошқариш

⁸ Федеральный закон Российской Федерации № 44-ФЗ (2.04.2014 г.) «Об участии граждан в охране общественного порядка» // [Эл. манба]. – URL: http://consultant.ru/document/cons_doc_LAW_161195 (мур. вақти: 10.03.2020).

⁹ Закон Республики Беларусь № 214-З (26.06.2003 г.) «Об участии граждан в охране правопорядка» // [Эл. манба]. - ИКБ: Шр:// Шр://1a№8.пе№8Бу.огдМоситеп18/1a№8/1a№0555.Ыт (мур. вақти: 10.03.2020).



ва мувофиқлаштиришда: маъмурий ҳудуднинг жўғрофий жойлашуви (туризм ҳудуди, чегара ҳудуди, тоғли ҳудуд, саноат ҳудуди ва бошқа); ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик хусусиятлари (аҳолининг зичлиги, кўп миллатлилиги, халқ хўжалигининг муайян соҳасига ихтисослашганлиги, аҳоли жалб этиладиган мавсумий ишларнинг мавжудлиги, фуқароларнинг иш билан таъминланганлик даражаси ва бошқа); криминоген ва тезкор вазият (ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг ахволи, даражаси, уларга таъсир кўрсатувчи омиллар ва бошқа)ни асосий мезонлар сифатида ҳисобга олиш лозим. Хусусан, ушбу ҳамкорликни самарали амалга ошиши учун тегишли ҳудудда ҳамкорликни ташкил этиш учун ажратиладиган куч ва воситаларнинг миқдори, уларнинг вазифалари, ҳамкорликни ташкил этишга мос келадиган иш усуллари ва шакллари, бошқарув тизими, моддий-техник таъминоти, ҳамкорлик натижаларини баҳолаш мезонлари ва бошқа муҳим жиҳатлар ҳамкорликни амалга оширувчи субъектларга олдиндан аниқ ҳамда тушунарли ҳолда белгилаб берилиши мақсадга мувофиқдир.

Ушбу йўналишдаги ҳамкорликни самарали ташкил этишда ҳамкорлик иштирокчиларининг касбий тайёргарлиги катта аҳамиятга эга. Айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда мазкур ҳамкорликни самарали ташкил этиш учун бевосита масъул бўлган ходимларнинг айримларида ташаббускорлик, киришимлилик, раҳбарлик, ташкилотчилик, юксак профессионализм каби касбий хислатларнинг етарли даражада эмаслигини асосий сабаблардан бири сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Шу боис мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, хусусан, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларидаги бўш лавозимларга раҳбарлик, ташкилотчилик, ташаббускорлик, киришимлилик, юксак профессионализм каби қобилиятларга эга юқори савияли кадрларни тайинлаш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, жамиятда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишда, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашда, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни аниқлаш ва бартараф этиш, жамиятда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари ходимларидан қайд этилган сифатлар талаб этилади.

Шу билан бирга мазкур йўналишдаги самарали ҳамкорликни ташкил этишда фуқаролик жамияти институтлари ходимларининг бундай жараёнларда иштирок этишга тайёр эмасликлари, айримларининг ушбу масалага юзаки ёндошишлари, етарли даражада билим ва тегишли тажрибага эга эмасликлари ҳам уларнинг ҳамкорликдаги тадбирларда фаол иштирок этишларига тўсқинлик қилмоқда десак муболаға бўлмайди. Бунга асосий сабаб сифатида ички ишлар органлари билан ҳамкорликда фаолият юритиши белгиланган фуқаролик жамияти институтлари аъзоларини, айниқса ҳамкорлик учун масъул бўлган ходимларининг ҳуқуқий жиҳатдан тайёрлаш, уларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича ҳамкорликда фаолият кўрсатиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш борасида махсус машғулотлар ташкил этилмаганлиги



ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»¹⁰ги қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида давлат таълим муассасаси шаклида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил этилган. Ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оила институтини мустақамлаш соҳасида кадрлар-ни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этиш тўғрисида»¹¹ги қарори асосида «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, ажримларнинг олдини олиш, шунингдек оиладаги маънавий-ахлоқий кадрларни мустақамлашга оид ва бошқа масалалар соҳасида кадрлар малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилди. Худди шулардек ва уларнинг базасидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан асосий манфаатдор ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари томонидан ҳамкорлик учун масъул бўлган ходимларни ҳуқуқий жиҳатдан тайёрлаш, яъни, уларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича ҳамкорликда фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган кўникмаларни шакллантириш борасида махсус машғулотлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Бу борада хорижий тажрибага мурожаат этадиган бўлсак, масалан, АҚШ, Германия, Туркия¹² мамлакатларида нодавлат ташкилотлари учун кадр тайёрлайдиган олийгоҳлар фаолияти йўлга қўйилган. Хусусан, мазкур ҳамкорлик субъектларининг касбий тайёргарлигини ошириб бориш, ушбу фаолиятни ташкил этишга амалий ва услубий ёрдам кўрсатишга хизмат қилувчи қўлланмалар, тавсиялар ва шарҳларни тайёрлаш ҳамда жойларга тўлиқ етказилишини таъминлаш, улар фаолиятининг энг долзарб ва муаммоли масалаларини ўрганиб бориш орқали доимий равишда тегишли бой амалий тажрибага эга мутахассисларни жалб этган ҳолда жойларда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг марказий ва ҳудудий тизимларида сайёр-ўқув машғулотларини ўтказиб бориш лозим.

Шунингдек, ушбу йўналишдаги ҳамкорликни самарали ташкил этишда ҳамкорликни методик таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Яъни, амалиётни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, мазкур субъектлар ҳамкорлигини самарали ташкил

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–2050-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 мартдаги «Оила институтини мустақамлаш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этиш тўғрисида»ги 230-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

¹² <https://www.google.com>.



этишда масалан, субъектларнинг мазкур ҳамкорликка оид фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган айрим муаммолар ёки мураккаб масалаларни хал этишда ёхуд муайян қонун ҳужжати нормалари мазмунини тўғри тушуниб, уларни амалда тўғри қўллашда муайян кийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бундай ҳолатларда, албатта, ҳамкорлик субъектларида методик ёрдамга эҳтиёж вужудга келмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда мазкур субъектлар ходимларининг кўпчилигини бой амалий тажрибага эга бўлмаган ёш, малакаси ва иш тажрибаси кам ходимлар ташкил этишини инобатга олиб, уларга методик ва амалий ёрдам кўрсатиб бориш, яъни, бугунги дунёдаги ўзгаришлар ва тараққиётни ҳисобга олиб, доимий равишда Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда ушбу ҳамкорликни методик ва амалий қўллаб-қувватлаш лозим.

Ушбу йўналишдаги ҳамкорлик муносабатларини самарали ташкил этишга тўсқинлик қилаётган муаммолардан бири сифатида фуқаролик жамияти институтларини моддий қўллаб-қувватлаш хусусида тўхталиб, айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда асосий имтиёзлар қонунлар билан эмас, балки қонуности ҳужжатлари билан берилаётгани, тор доирадаги фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишига хизмат қилмоқда, яъни, кенг доирадаги фуқаролик жамияти институтларининг эътибордан четда қолишига сабаб бўлмоқда. Масалан, сўнгги йилларда давлат томонидан ўндан ортиқ нодавлат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш бўйича фармон ва қарорлар¹³ эълон қилинди. Мазкур имтиёзларнинг қонунлар асосида, барча фуқаролик жамияти институтларини ҳисобга олган ҳолда тақдим этилиши ҳудудлардаги кичик фуқаролик жамияти институтларини ҳам ривожланишида катта аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам «Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт»¹⁴ деб белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда бугунги кунда ҳуқуқбузарликларни олдини олишда самарали ҳамкорлик олиб бораётган фуқаролик жамияти институтларини рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролар ва жамоат

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги ПФ–4944-сон «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги ПҚ–3195-сон «Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги ПҚ–3184-сон «Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ–5199-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ–5325-сон «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва бошқалар мисолида бунини кузатиш мумкин.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.



ташкilotларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»¹⁵ги қарори билан амалга ошириб келинмоқда. Лекин, мазкур қарорни ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларини рағбатлантиришнинг мукамал механизмларини қамраб олган деб айта олмаймиз. Хусусан, бугунги кунда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари билан самарали ҳамкорлик олиб бораётган фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини янада ошириш, улар томонидан амалга оширилаётган ишларни муносиб баҳолаш мақсадида, уларни рағбатлантириш амалиётини янада кенгроқ татбиқ этиш лозим. Сабаби, рағбатлантириш амалиётини кенг татбиқ этиш фуқаролик жамияти институтларининг жамият ҳаётидаги роли ва иштирокини кучайтиришдаги имкониятлардан биридир.

Жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фидойлик кўрсатган фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларини рағбатлантириш учун «*Ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги фидой хизматлари учун*» номли махсус давлат мукофотини таъсис этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтказилган сўровномада ҳам Ўзбекистонда «*Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги фидой хизматлари учун*» номли махсус давлат мукофотини таъсис этилишига муносабатингиз?» деган саволга респондентларнинг 55 фоизи – «қўллаб-қувватлайман»; 24 фоизи – «қаршиман, бунга зарурат йўқ»; 17 фоизи – «халқаро тажрибани ўрганиб кўриш керак» дея жавоб берган бўлса, 4 фоизи – ушбу савол юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ўзларининг турли таклиф ва тавсияларини илгари сурган. Сўровда иштирок этган аксарият фуқаролик жамияти институтлари вакиллари мазкур таклифни қўллаб-қувватлаган.

Юқоридаги ижтимоий сўров натижалари асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда «*Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги фидой хизматлари учун*» номли махсус давлат мукофотининг таъсис этилиши мақсадга мувофиқдир. Бу, *биринчидан*, жамият ҳаётидаги долзарб масалалардан бири бўлган жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга замин яратса, *иккинчидан*, мазкур соҳада фидойлик кўрсатган фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг рағбатлантирилишига хизмат қилади.

Мазкур йўналишда хорижий тажрибага мурожаат этадиган бўлсак, бундай амалиётни ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасида учратиш мумкин. Масалан, Германияда фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш ва рағбатлантириш мақсадида ҳар йили «*Der Deutsche Engagementpreis*»¹⁶ мукофоти таъсис этилган. Мазкур мукофот фуқаролар ва

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги «Фуқаролар ва жамоат ташкilotларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 15-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

¹⁶ <https://www.google.com>.



фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга, янги ва замонавий лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган фаолиятини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жаҳоннинг ривожланган давлатларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартиби сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш муҳим масала сифатида қаралиб, ушбу соҳада ички ишлар органларининг фаолиятини, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги ҳамкорлигини такомиллаштириш, бунда замонавий ахборот – коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берилётган даврда, юртимизда бу борадаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни миллий тизимимизга жорий этиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ҳамкорлигини ташкил этиш жумладан, улар фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, ҳамкорликни бошқариш ва мувофиқлаштириш, ҳамкорлик иштирокчиларининг касбий тайёргарлигини ошириш, ҳамкорликни методик таъминлаш ва ҳамкорлик субъекти бўлмиш фуқаролик жамияти институт-ларини моддий қўллаб-қувватлашни такомиллаштиришнинг истиқболларини белгилаб олган ҳолда бу борада тизимли ва изчил ислоҳотларни давом эттиришни такозо этади.